

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Фан: «Экология»

РЕФЕРАТ

МАВЗУ: Тупроқнинг хоссаларини ўрганиш.

Бажарди: 401-ҚҚЛ гуруҳи толиби
Нишонов А.

Қабул қилди: Турдибеков Ю.

САМАРҚАНД – 2014

МАВЗУ: Тупроқнинг хоссаларини ўрганиш.

РЕЖА.

1. Дунё ер ресурслари ва улардан фойдаланиш.
2. Тупроқлар эрозияси ва унга қарши кураш
3. Тупроқларни муҳофаза қилиш. Ерларни рекультивация қилиш.

Қишлоқ хўжалигининг асосини ер билан сув ташкил қилиш барчага аён. Турли табиий шароитларда ердан тўғри фойдаланиб, кўплаб деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етказиб, аҳоли дастурхонини тўкин-сочин қилиб келинмоқда. Қуруқ иқлим шароитда ердан фойдаланишни сувсиз амалга оширишнинг иложи йўқ. Дунёда аҳоли сони тўхтовсиз ошиб бораётган бир фурсатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб муттасил ортмоқда. Бинобарин одамларни озиқ овқат, кийим кечак ва бошқа турли маҳсулотлар билан тўла таъминлаш кўп жихатдан мазкур соҳанинг таррақиётига боғлиқ. Бир жихатдан қараганда ер ва сувдан иложи бориचा тўлиқ фойдаланиши ҳаётнинг ўзи таққозо қилмоқда.

Ер шарида қуруқлик 14,9 млрд.га ни ташкил қилади, жами ҳайдаш учун яроқли ерларнинг майдони 3,2 млрд. га дан ортиқ. Шундан ҳозирда 1,5 млрд гектар ер ҳайдалади, 3 млрд гектар ер яйлов сифатида ҳайдаш учун қулай бўлган ерларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалигида фойдаланиш муаммосига киритилган. Суғориладиган ерлар майдони дунёда 270 млн. гектардан кўпроқ.

Ҳайдаланадиган ерлар дунёда чекланган бўлишига қарамасдан улар ҳисобига турли қурилишлар, шахталар, йўллар, шаҳарлар, саноат корхоналари ва бошқа турдаги объектлар муттасил қуриб келинмоқда. Бу ҳол улар майдонининг

камайишига, бинобарин деҳқончилик маҳсулотларининг миқдорига таъсир кўрсатади.

Ҳайдаладиган, айниқса, суғориладиган ерлар чўлланиш жараёни натижасида фойдаланиши муомаласидан чиқиб кетмоқда. Инсон деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғуллана бошлагандан бери 9 млн кв. км ҳудуд чўлланишга учради.

Ҳайдаладиган ерлар суғоришни нотўғри ташкил қилиш, ёғин-сочинлар шиддат билан ёғиши, қорларнинг тез эриши, далаларда ихота дарахтзорларининг ниҳоятда сийраклиги ёки бутунлай йўқлиги, эрозия каби омиллар таъсирида ҳар йили катта зарар кўради. БМТнинг маълумотига кўра, ҳар йили шу омиллар таъсири туфайли 3 млн га ер фойдаланишда чиқиб кетади.

Суғориладиган ерлар шўрланиш ва ер ости сувларидан кўтарилиши натижасида фойдаланишдан чиқиб кетади, худди шу сабабли йилига 2 млн га ер экин экишдан бебаҳра бўлади. Аслини олганда барча суғориладиган ерларнинг 50%и турли даражада шўрланган.

1. Тупроқлар эрозияси қадимдан деҳқончиликка ноқулайлик туғдириб келмоқда. Ҳозирги фан бу ҳодисанинг ҳосил бўлиши, ривожланиш қонуниятларини ўрганишга муваффақ бўлди.

Тупроқ эрозияси табиий ва сунъий бўлади. Табиий эрозия 2 га бўлинади: сув ва шамол эрозияси.

БМТнинг маълумотига кўра шамол ва сув эрозиялари натижасида йилига 26 млрд. т. тупроқ йўқолади (бир қисмини шамол тўзитади, бошқасини сув ювиб, денгиз ва океанга элтади).

Дунёда Хуанхе (1,6 млрд т), Ганг (1,4 млрд т), Амазонка (363 млн т), Миссисипи (300 млн т), Иравади (299 млн т), Меконг (170 млн т), Нил (111 млн т) эрозия

махсулотлари-оқизикларни Дунё океанига элтишда олдинги ўринларни эгаллайди. Хунахе ва Ганг дарёлари сувларида оқизикларнинг кўплиги уларнинг ҳавзаларида тез ювилувчи лесс жинсларининг кўп тарқалганлиги билан боғлиқ.

Тупроқ шамол таъсирида ҳам кўп зарар кўради. Шимолий Африкадан Атлантика океанига жуда кўплаб (йилига 100-400 млн т) чанг ва майда тупроқ учиб кетади. Бу ҳоли коинотдан олинган сураатларда яхши кўриниб туради.

Эрозия жараёнларини олдини олишда экинларни тўғри жойлаштириш (эрозия авж ола бошлаган жойларда чопиқ қилинадиган экинларни мумкин қадар камроқ экиш), кўпроқ ўт экиш, ихота ўрмонзорлари барпо қилиш, боғлар, токзорлар бунёд этиш ва бошқалар яхши натижа беради.

Сув эрозиясига қарши кураш учун гидротехника тадбирлари амалга оширилади: сувдан ҳимоя қилинадиган дамбалар, сув оқизиб юбориладиган махсус зовурлар, жарлар ва сойликларнинг ўзакларида сув тез оқадиган ва шаршаралар ҳосил бўлган жойларга махсус иншоотлар қурилади.

2. Сайёрамизнинг тупроқ қатлами табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги тадбирлар комплексининг энг муҳим объектидир.

Тупроқ ўз ўзидан тикланадиган ресурсларга киради. Лекин тупроқнинг тикланиш жараёни жуда секин боради. Чунончи, 18 см каминликдаги тупроқ қатламининг табиий ҳолда қайтадан тикланиши учун 2000 йилдан 7000 йилгача вақт керак бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, инсон ўз муддатда қайтадан тикланишигача кутиб туролмайди. Шунинг учун ҳам тупроқнинг унумдорлигини тиклаш ва яхшилашга қаратилган мелиоратив тадбирлар системаси анчадан буён мавжуд.

Ерлар мелиорацияси деганда, тупроқнинг сув режимини (қуриштириш ва суғориштириш билан) тартибга солиш, тупроқнинг физик хоссаларини яхшилаш,

ерларнинг шўрланишига бархам бериш ва умуман тупроқ унумдорлигини ошириш йўли билан тупроқнинг табиий хоссларининг тубдан яхшилашга қаратилган тадбирий чоралар системаси тушунилади.

Ер шаридаги бир қанча мамлакатлар, хусусан АҚШ, Германия, Англия ер ости қазилма бойликларини очиқ усул билан карьерлар усули билан казиб олиш натижасида табиий тупроқ қопламига путур етмоқда. Баъзан ер ости ишларидан сўнг ер упирилади. Бундан ташқари, ер юзасига миллион-миллион тонна кераксиз жинслар чиқариб ташланади. Бундай жинслар катта-катта уюмлар (терриконлар) шаклида тоғ-кон атрофидаги катта-катта майдонларни ишғол қилмоқда. Ўсимликдон ном-нишон бўлмаган ана шундай майдонлар **индустриал чўллар** деб аталмоқда.

Кон саноати таъсирида ишдан чиққан ерларни рекультивация қилиш-қайтадан табиий ҳолга келтириш соҳасида тадқиқот ва тажриба- ишлаб чиқариш ишлари анча вақтдан буён олиб борилмоқда. Бундан турли мақсадлар кўзда тутилмоқда: ерлардан қишлоқ хўжаликда фойдаланиш, дарахтзорлар барпо қилиш, сув ҳавзалари бунёд этиш, бу ерлардан капитал қурилишда фойдаланиш ва ҳоказо.

Рекультивация қилиш учун дастлаб зарурий кон-техника тадбирлари амалга оширилади: кераксиз жинс уюмлари текисланади, йирик палахсалар териб ташланади, унумдор тупроқ олиб келиб тўкилади, шохобча йўллар қурилади ва ҳоказо.

Шундан сўнг, рекультивациянинг биологик босқичи бошланади. Бу босқич шундан иборатки, тайёрланган жойларга дарахтлар ёки қишлоқ хўжалик экинлари экилади. Тупроқнинг унумдор горизонтларини тиклаш ишини тезлаштириш учун бу экинлардан кўпгина сидератлар сифатида фойдаланилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари. Тошкент, Ўзбекистон нашр., 1997.
2. Л.А.Алибеков. С.А.Нишонов. табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш. Тошкент, Ўқитувчи нашр.,1983.
3. О.Абдуллаев. Ўзбекистон экологияси: бугун ва эртага. Тошкент, Ўқитувчи нашр., 1983.
4. П.Л.Баратов. Табиатни муҳофаза қилиш. Тошкент: Ўқитувчи. 1990.
5. Бекназов Р.У. Новиков Ю.В. Охрана природы. Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
6. Миланова Е.В. Рябчиков А.М. Использование природных ресурсов и охрана природы. М. Высшая школа. 1986.
7. Мухаммадиев М.А. Зияев С.Д. Табиат муҳофазаси ва экология. Тошкент. Ўқитувчи.1986.